

Азиз Қаюмов

7

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ**

**АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ
ДАВЛАТ АДАБИЁТ МУЗЕЙИ**

Азиз ҚАЙУМОВ

Асарлар

ҚЎҚОН АДАБИЙ МУҲИТИ

VII жилд

2-китоб

**Тошкент
“MUMTOZ SO‘Z”
2012**

УДК: 821.512.133

КБК: 83.3(5Ў)

Ўзбекистон Фанлар академиясининг Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейи 2008 йилдан бошлаб академик Азиз Қаюмовнинг “Асарлар”ини нашр қилишга киришган. Уларда олимнинг Алишер Навоий, Заҳириддин Бобур, Ҳувайдо, Фурқат каби йирик ўзбек адибларининг ижодига оид асарлари бор. Шунингдек, Аҳмад Фарзоний, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Мирзо Улугбек каби буюк олимлар илмий фаолиятига доир илмий-оммабоп китоблари, рисоалари бу нашрдан ўрин олган. Булардан ташқари ўзбек, форс-тожик адабиёти тарихига оид мақолалари, илмий ишлари, таржималари ҳам шу тўпламга киритилган.

Масъул муҳаррир:

проф. Саидбек Ҳасанов

Нашрга тайёрловчи:

Фотима Икромова

Тақризчилар:

проф. Суйима Ғаниева,

ф.ф.н. Отабек Жўрабоев

Таҳрир хайъаги: Филология фанлари доктори, профессор Ҳ.Болтабоев, ф.ф. номзодлари И.Ғафуров, М.Маҳмудов, Ю.Турсунов, М.Рашидова.

83.3(5Ў)

Қ.33

Қаюмов, Азиз.

Асарлар / А.Қаюмов; таҳрир хайъати Ҳ.Болтабоев, И.Ғафуров, М.Маҳмудов, Ю.Турсунов, М.Рашидова; масъул муҳаррир С.Ҳасанов. Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейи. – Тошкент: “MUMTOZ SO‘Z”, 2012. – 252 б.

Т. VII (2)

ISBN 978-9943-363-03-8

© Азиз Қаюмов, 2012

© “MUMTOZ SO‘Z”, 2012

УСТОЗ БИЛАН СУҲБАТ

Мухтарам ўқувчи!

Сизнинг Кўкон хонлигидаги адабий ҳаётга оид маълумотлар билан танишмоққа бўлган қизиқишингиз мени қувонтиради. Шунинг учун бу тўғрида билганларимни Сизга етказмоққа ҳаракат қиламан.

1949 йили Тошкентдаги Шарқ қўлғезмаларини ўрганиш институтида мен – Азиз Қаюмов амалиёт ўтувчилар қаторида иш олиб бормоқдаман. У вақтда Тошкентдаги Ўрта Осиё давлат университетининг шарқшунослик факультетида бешинчи курс студенти бўлганман. Бу илм даргоҳи ҳозир Ўзбекистон Миллий университети деб аталади. Шарқшунослик факультети эса бундан 20 йил олдин университетдан ажралиб чиқиб, Тошкент Давлат шарқшунослик институтига айланган. Ҳозир у Ўзбекистоннинг энг шуҳратли ва обрўли олий ўқув юртларидан биридир.

Мен шарқшунослик факультети очилган йилиёқ 1944 йилда унинг биринчи курсига ўқишга кирганман. Шунинг учун 1949 йилда ўзимнинг қирқ сафдошим билан бу факультетни биринчи бўлиб, битириб чиққан ёшлардан бири бўлганман.

1949 йили Шарқ қўлғезмаларини ўрганиш институтида (1950 йилдан бери бу институт ЎзР ФА Абурайхон Беруний номидаги Шарқшунослик институти деб атала бошланди) XV аср биринчи ярмида яшаб ижод этган шоир Исмат Бухорий қўлғезма девонлари бўйича диплом иши ёзмақда эдим.

Бир куни шу институтнинг директори академик Воҳид Йўлдошевчи Зоҳидов мени чақираётганларини айтишди. Мен В.Ю.Зоҳидовнинг асар ва мақолаларини ўқиган эдим. У кишининг таланти, билимдонлигига қойил қолар эдим. Аммо ўзлари билан узокдан бир икки учрашган бўлсам-да, танишлигим йўқ эди. Айтилган вақтда директорнинг иш хоналарига салом бериб кириб келдим. Хона ярим қоронгу. Девор бўйлаб қатор китоб жавонлари саф торган. Тўрда стол ортида китоб ва қоғозларга қўмилган кичик жуссали, озгин бир одам ёзув билан банд. Бу киши институт директори В.Ю.Зоҳидов эдилар. Менинг кирганимни кўриб у киши дарров ўринларидан туриб саломимга жавоб қайтардилар-да, ўтирмаққа таклиф қилдилар. Ўлтирдик, қиска паузадан сўнг директор менга дедилар:

– Сизни институтимизга кичик илмий ходим қилиб ишга олмакчимиз. Шунга нима дейсиз?

– Мен ҳали университетни битирганимча йўқ. Диплом ишини ҳам ёклаган эмасман. Бу ёғи қандай бўлар экан?

– Зарари йўқ. Диплом ишини ёзиб ёқлангиз. Ўқишни ҳам тугаллайсиз. Яна бу ердаги ишни ҳам давом эттирасиз.

Бу мен учун ёқимли таклиф эди. Чунки ҳам стипендияни оламан, ҳам маошни. Менинг укам Лазизхон Қажумов 1947 йили Тошкентга келиб университетнинг филология фанкультетида ўқишда ва менинг қарамоғимда эди. Шунинг учун бу таклиф биз учун ўринли эди.

– Ундай бўлса, менинг ушбу институтда қандай иш бажармоғим кераклигини ҳам айтиладими?

– Диплом ишингизнинг мавзуси қандай? – деб сўрадилар домулла. Мен айтдим.

– Ҳозирча ўша мавзудаги ишни яқунланг, шунинг ўзи қифоя.

Мен директорга миннатдорлик изҳор этиб, у билан хайрлашдим ва кабинетдан чиқдим.

Бу воқеа 1949 йил 5 май куни (у вақтларда Ленин кўчаси, 36-уй) бир қаватли иморатда жойлашган Шарқ қўлёзмаларини ўрганиш институтида бўлиб ўтган эди.

Орадан кўп ўтмай мен диплом ишини ёқлаб, давлат имтиҳонларидан ўтиб, Шарқшунослик факультетида ўқишни тамомладим ва Шарқ қўлёзмаларини ўрганиш институтида кичик илмий ходим вазифасини бажаришда давом эта бошладим.

Бир куни В.Ю.Зоҳидов мени ўз иш хоналарига чакириб. Улар мендан сўрадилар:

– Қайси мавзу бўйича ишлов ниятингиз бор?

– Қўкон адабиёти бўйича ишласам дейман – деб жавоб берган бўлдим.

Домулланинг қиёфалари жиддийлашди. У киши кескин овоз билан менга дедилар:

– Қўкон адабиёти деган адабиёт йўқ. Битта, яхлит ўзбек адабиёти бор. Барча адабиётга оид нарсалар шу адабиётга тегишлидир.

Бу жуда муҳим аҳамиятга эга фикрдир. Мен ҳамон бу таълимни ёдда тутаман ва унга амал қилган ҳолатда иш олиб бораман.

– Сиз ўзбек шоиралари ижоди бўйича ишланг. Нодира, Увайсий, Маҳзуналарнинг адабий ижодини ўрганинг ва шу тўғрида тадқиқот иши ёзинг, – дедилар устоз.

Мен бу таклифни мамнуният билан қабул қилдим ва ишга киришиб кетдим.

Академик, фалсафа фанлари доктори, бутун дунёда таниқли олим, файласуф, адабиётшунос, давлат ва жамоат арбоби Воҳид Йўлдошевич Зоҳидов (1914-1983) билан устоз-шогирдчилигимиз ана шундан бошланган. Бундай қадршунослик бизда Устоз ҳаётларининг охиригача давом этди, ҳеч қачон бирор раҳнага эга бўлган эмас.

В.Ю.Зоҳидов раҳбарликлари остида бутун умр ишладим ва ишламоқдаман. Шундай улуғ устознинг ўғит ва йўл-йўриklarини қўлимдан келганича амалга оширмоққа ҳаракат қилдим ва кам бўлмадим. Чунки уларнинг туб моҳияти элу юртга, адабиёт ва илмга садокат билан хизмат қилмоққа чорлар эди, ҳамиша эзгулик, халқпарварлик, инсонпарварлик йўлидан оғишмай боришга ўргатар, шундан таълим берар эди.

* * *

Биз ўрта мактабда ўқиётган пайтларда (XX асрнинг 30-йиллари) Ўзбек адабиёти тарихи бўйича шоир Махмурнинг битта “Ҳапалак” радибли шеъри бор эканлигини билар эдик. Бу шоир тўғрисида бошқа ҳеч нарса маълум эмас эди. 1951 йили Қўқон шаҳарида менинг адабиётдаги устозим шоир Чархий ва падари бузрукворимиз Пўлатжон домулла Қаюмовлар шоир Махмурнинг девони (қўлёзма шеърлар тўплами) топилганини менга хабар қилишди. Мен дарҳол Қўқонга етиб бориб, уни топиб келган одамдан сотиб олдим ва Тошкентга олиб келдим. Шарқшунослик институтида илмий кенгашда бу тўғрида ахборот бердим. Академиклардан Ғафур Ғулом, В.Й.Зоҳидов, Шарқшунослик институтининг директори Сабоҳат Азимжонова бу қўлёзма билан танишиб чиқдилар.

Қўлёзмадаги барча материал бошдан-оёқ янгилик бўлгани туфайли унга кизиқиш кучайди. Шоир Ҳамид Ғулом (у киши бу вақтда марказий газетада адабиёт бўлимига бошлиқ эдилар) газетада менинг бу тўғридаги ахборотимни эълон қилишга ёрдам кўрсатдилар. Бу менинг марказий матбуотдаги биринчи чиқишимдир. В.Ю.Зоҳидов илмий раҳбарлигида мен Махмур қўлёзма девони тўғрисида филология фанлари номзоди илмий даражаси учун диссертация иши ёза бошладим. Уни 1954 йили Ўзбекистон Фанлар академияси Тил ва адабиёт институтида ёқладим. Диссертация ёқ-

МУНДАРИЖА

Устоз билан суҳбат	3
Ҳозик	9
Шоҳномаи девона Мутриб	67
Шаҳномаи девона Андалиб	78
Қори Қундузи Комий	88
Мирза Олим Мушриф	88
“Ансоб ус-салотин ва таворихи хавоқин”	93
Шавқий	106
Мажзуб	117
Шоир Вола	119
Шоиралар	121
Халқ оғзаки ижоди	126
“Ўзбек халқ ашулалари” тўплами тўғрисида	128
Оғзаки ижод турлари ҳақида	137
Тарихий ҳикоялар	
Амирлашкар.....	146
Яъқуббек бадавлат.....	159
Насриддинхон фожиаси (тарихий-бадиий очерк)	
Қўкон.....	168
Андижон.....	178
Етти ой.....	203
Иловалар	
“Ўзбек халқ ашулалари” (матн)	211
Бекажон укам.....	211
Ажаб ёрлар.....	211
Андижонга борай десам, боролмадим.....	212
Лийпиймиш.....	213
Айланаман ёрларим.....	214
Яллама, ёрим.....	215
Раббано, ёримга ет.....	216
Оҳ, менинг шоҳим.....	217
Ғайра-ғайра.....	218
Резо – муҳтож.....	219
(Ёринг бўлса...).....	220
Ўртоқ.....	220
Омон ёр.....	221
Гул лола.....	222

Кўзихон.....	223
Нор.....	224
Уфор.....	225
Гулёр.....	226
Дўст, дўст.....	227
Алҳамон.....	227
Анорхон ёрим.....	228
Қашқарча.....	230
Чиройлик.....	231
Хон ўйини.....	232
Қани, қани.....	233
Қизгина.....	234
Маллахон (“а”).....	234
Гул ўйин.....	235
Қизил гул.....	237
Чаманда гул.....	240
Бодом қовок.....	240
Олма-анор.....	241
Ҳай бола, болам.....	242
Яланг даврон.....	243
Марғилонда ишчи олинганда айтилган.....	243
Ҳой, менинг ёримсан.....	246
Дўст, худойим.....	246
Омон-омон.....	247

Ushbu kitob bilan to'liq tanishish uchun O'zbekiston Respublikasi Fanlar Akademiyasi Asosiy kutubxonasiga tashrif buyuring.

Manzil: Toshkent shahri, 100100, M.Ulug'bek tumani, Ziyolilar ko'chasi, 13-uy.